

Оқова сув									
-----------	--	--	--	--	--	--	--	--	--

1.7. "Истеъмолчи" "Water soft" дастуридан ўзига керакли бўлган маълумотларни СМС хабарнома орқали олиши, ўлчаш асбобини кўрсаткичини бериши, қарздорлиги ҳақида ҳамда ўлчаш асбобининг ДНК муддатли келгалиги тўғрисида огоҳлантирилиши мумкин. СМС хабар орқали олинган ва берилган маълумотлар расмий маълумот ҳисобланмади.

II. Умумий қоидалар

2.1. Ичимлик суви билан экинларни сугориш, ҳовиллар, йўлакчаларига сув сепиш, ҳамда, ичимлик сувидан автоматшанларни лавиш учун ўрнатилган вақтдан ташқари фойдаланиш қатъийан ман этилади.

2.2. Сув таъминоти тизимларидаги ичимлик суви истеъмолчи (суб-истеъмолчи)ларнинг хўжалик-истеъмол ва коммунал-маиший эҳтиёжлари, ёнгинларни ўчириш, шунингдек, ичимлик суви талаб этилгандаги технология ва ишлаб чиқариш жараёنлари учун мўлжалланган.

"Таъминотчи"нинг техник имкониятлари мавжуд бўлган ҳолатларда, ихтисослашган истеъмолчиларга ичимлик суви марказий коммунал сув таъминоти тизимларидан етказиб берилади.

2.3. Асосий истеъмолчининг тармоқларидан сув олиб, оқова сувларини "Истеъмолчи"нинг канализацион тармоқларига ўтувчи суб-истеъмолчилар сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш шартномасини "Истеъмолчи" билан тасдиқланган "Қоидалар" га мувофиқ тузадилар.

2.4. Сувни ҳисобга олиш асбоблари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертифицилаштириш агентлиги томонидан текширилган ва таъминланган бўлиши ва сув ўлчаш тармоғи сув-коммунал хўжалиги ташкилоти томонидан таъминлаши лозим. Шунингдек ичимлик сувини ҳисобга олиш ускунасини ечин, киёлашдан ўтказиш ва ўрнатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 августдаги 698-сонли қарорига мувофиқ юритилади.

2.5. "Истеъмолчи"га ўрнатилиши лозим бўлган сув ўлчаш қурилмасининг шартли ўлчашининг диаметри (калибри) ҳисоб-китоб асосида аниқланади, объектниң максимал сув истеъмоли ва минимал сув истеъмолига текширилади ва "Истеъмолчи" билан келишилади. Ҳисоблаш қурилмаси учун ўрнатилган минимал истеъмол микдоридан кам микдорда сув истеъмол қилинганда, "Таъминотчи" сув ўлчаш тармоғини қайтадан қуришга мажбур бўлиши билан таъминлаш учун кўрсатма беради, ушбу кўрсатма бажарилмаганда ҳисоблаш қурилмасининг қўрсаткичлари қабул қилинмайди ва ҳисоблаш Қоидаларда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

2.6. Сув ўтказиш-канализация хўжалигининг реконструкция, ҳисоблаш қурилмаларини ишга тушириш, ҳисоблаш қурилмаларини алмаштириш, янги суб-истеъмолчиларнинг уланishi "Истеъмолчи" томонидан фақат "Таъминотчи" тарафидан тасдиқланган техник шартлар ва лойиҳа асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар "Истеъмолчи"нинг сўровомаеси асосида барча тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда берилади. "Таъминотчи"дан олинган техник шартлар асосида "Истеъмолчи" буюртмасига асосан амалдаги метёр, қоидалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида лойиҳалаштириш ташкилоти томонидан уланishi лойиҳаси ишлаб чиқилади.

2.7. Қурилган уламаларнинг ишга туширилиши "Таъминотчи" томонидан, "Истеъмолчи" ва қурилми ташкилот вакилларининг иштирокида амалга оширилади.

2.8. Агар сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун нархларда ўзгариш вужудга келса, тўлов янги тарифлар асосида амалга оширилади.

2.9. Коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш қисмларининг техник ҳолати учун эксплуатацион масъулият чегараси (сув ва оқова тизимлари, қурилмалар ва уларнинг мосламалари) сув-коммунал хўжалиқлари ва истеъмолчилар орасида, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари орасида куйидагилардан иборат:

а) сув истеъмоли учун узатиш тармоғининг қиритиш қурилмаси бўлиб, у коммунал тармоқдан ўчирилади. Сув қувурини, шу жумладан узатиш қурилмасини ишга тушириш истеъмолчининг ички сув узатиш тизимининг бир қисмидир; б) оқова тизими учун магистрал оқова тизимига уланishi нуктасидаги сув чиқариш қудуги бўлиб, у "Истеъмолчи"нинг ички оқова тизимининг бир қисмидир. Агар чиқариш оқова қудуги магистрал оқова тармоғида жойлашган бўлса, қўрсатилган қудук сув-коммунал хўжалигининг бир қисми бўлади, узатиш тармоғининг эксплуатацияси эса "Истеъмолчи"нинг кучи ва маблағи ҳисобига амалга оширилади.

III. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Истеъмолчининг ҳуқуқлари:

а) "Таъминотчи"дан, у билан тузилган шартнома асосида, ичимлик суви ва оқова сувини чиқариш хизматларининг узлуқсиз амалга оширилишини, ўз ҳаёти ва соғлиғига, мулкига ҳаф туғдирмайдиган даражадаги сифат ва микдорда ичимлик суви берилишини талаб қилиш;

б) "Истеъмолчи" ҳисобидан ҳисоблаш қурилмасини ўрнатиш.

в) тегишли сифат даражасидаги ичимлик суви ва оқова сув тармоқларига хизмат қўриштириш талабларини бажармаганлиги учун "Таъминотчи"дан қонунчиликда ва шартнома шартларида қўрсатилган микдорда жерима (пеня)лар тўлашни талаб қилиш;

4.3. "Таъминотчи" куйдаги ҳолларда жавобгардир:

а) амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ, узатилаётган сувининг сифати ва қонунчиликда ва шартнома шартларида кўзда тутилган бошқа ҳолларда;

б) "Истеъмолчи"ларга сув таъминотига уланishi ва сув чиқариш хизматларида фойдаланиш учун зарур бўлган техник шартларнинг ўз вақтида ва ишончли тақдим қилиниши учун;

в) "Истеъмолчи"нинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкига етказилган зарар, маънавий зарар учун қонунчиликда ўрнатилган тартиб ва микдорда, қоплаш;

г) шартнома шартлари ва юқлатилган мажбуриятларни бажармаслик;

д) қонунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда.

V. Сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун ҳисоблар ва тўловларнинг тартиби

5.1. Коммунал сув таъминоти тизимидан чиқарилган (қабул қилинган) сувининг ҳисоби ҳисоблаш қурилмаси мавжуд бўлганда, ҳисоблаш қурилмасининг кўрсаткичларига мувофиқ, амалдаги тарифлар бўйича ҚҚС ва махсус устамани ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

5.2. Оқова тизимига келиб тушувчи оқова сувининг микдори, сув тармоғидан етказиб бериладиган сув микдорига тенг. Марказлашган ҳолда исенк сув таъминоти мавжуд бўлган ҳолларда, истеъмол қилинувчи соғуқ сув микдорига 2.0 коэффициентни қўлланилади. "Истеъмолчи"нинг ўзида сув таъминотининг қурилмалари мавжуд бўлса, оқова сувларининг микдори ушбу сув қурилмаларининг маҳсулдорлигига (ёки ўрнатилган ва рўйхатга олинган ҳисоблаш қурилмаларининг кўрсаткичларига) кўпайтирилади. Ички сув таъминоти тизими "Истеъмолчи"нинг шахсий автоном манбаи билан боғлиқ бўлмаслиги лозим.

5.3. Объект эгаси, автоном сув таъминоти(сказина, очик сув хавзаси, ирригация тизими)га ёки марказий коммунал оқова тизимидан бошқа оқова ташлаш манбаларига эга бўлган ҳолатларда, "Таъминотчи" билан шартнома тузиш учун махсус табиий сув объектларидан сув олиш ёки чиқариш учун қўшимча руҳсатнома тақдим этиши лозим.

5.4. Сув таъминотининг хусусий автоном манбаи (артезиан скважинаси, қудук, очик сув хавзаси, ирригация тизими ва х.к.) мавжуд бўлганда коммунал канализация тизимига оқоваларни оқизиш учун тўловлар, ўрнатилган насоснинг ишлаб чиқариш қуввати ёки ўрнатилган ва рўйхатдан ўтказилган ҳисоблаш асбобининг кўрсаткичлари асосида амалга оширилади. Истеъмолчига қарашли бўлган автоном сув таъминоти манбаининг ички тизими марказий сув таъминоти тизими билан туташмаган бўлиши шарт.

VI. Алоҳида шартлар

6.1. Объект эгаси ўзгарганда, "Истеъмолчи" чикиб кетишдан 7 кун аввал дебиторлик қарзларини ўзиб, бу ҳақда "Таъминотчи" билан далолатнома имзолаши шарт. "Истеъмолчи" чикиб кетган, сувини ҳисобга олиш асбоби ва пломбаларнинг бутлиги учун жавобгарлик объектниң янги эгаси зиммасига юкланади.

6.2. "Истеъмолчи"нинг сув узатиш-оқова хўжалигидаги барча ўзгаришлар таъминотчи томонидан "Истеъмолчи"нинг хати келиб тушган кундан бошлаб ҳисобга олинади.

6.3. Етказиб берилган ёки қабул қилинган ичимлик суви ҳажми қувурнинг ўтказиш қобилиятидан келиб чиқиб ойнинг календар кунлари ҳисобидан қуйдаги формула асосида ҳисобланади:

$$Q = M \times F \times \sqrt{2g \times H} \times t$$

бунда: M – 0.60 га тенг бўлган зулфин орқали сув сарфи коэффициентни;

F – сууюқлик оқиб ўтадиган қувур ёки тешик қесими майдони (ички диаметр бўйича)м²;

g – 9,81 м/сек га тенг бўлган эркин тушиш тезлиги;

H – сувининг метрлардаги босями;

t – вақт-24 соат, секундларда;

Қуйдаги ҳолатларда:

6.3.1. "Истеъмолчи"да сув ўлчаш асбоб ва мосламалари йўқ бўлган ҳолатларда (ёки носоз ҳолатда);

6.3.2. Сув ўлчаш асбоби ёки мосламаси "Таъминотчи"да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;

6.3.3. Ичимлик суви билан ўзбошимчалик билан фойдаланиб, ўрнатилган вақтдан ташқари сув сепилганда, автоматшанлар ювилганда;

6.3.4. Сув ўлчаш асбоби, мосламаси ишдан чиққан, синган, бузилган ҳолатда, сарфланган сув ҳажми ушбу шартноманиң 6.3-бандида қўрсатилганига мувофиқ, энг сўнгги тузилган далолатнома муддатидан янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, (рўйхатдан ўтказилган)қуноғача ҳисобланади;

Сувни ҳисобга олиш асбоби истеъмолчининг айбисиз носоз бўлган тақдирда сарфланган сув микдори олдинги уч ҳисоб-китоб ойидаги ўртача сарф бўйича аниқланади. Ҳисоб-китобнинг бундай тартиби бир ойдан кўп қўлланилиши мумкин эмас. Агар сувини ҳисобга олиш асбоби қўрсатилган муддат мобайнида ўрнатилмаса, сарфланган сув микдори II-гурҳ истеъмолчилари учун Қонданин 87-“б”-банди бўйича ҳисоб-китоб қилинади;

6.3.5. "Истеъмолчи"нинг ичимлик суви ва канализация тизими коммуникацияларидан сув исроф бўлиши ҳолатлари аниқланган ҳолатларда;

6.3.6. "Таъминотчи"нинг сув ўлчаш бўғинини диаметри кичикроқ бўлган мосламага алмаштириш тўғрисидаги талабномаси қондирилмаган, бажарилмаган ҳолатларда;

6.3.7. Сув ўлчаш асбобининг ҳисоб-китобини олиб бориш бўғинидаги кўйилган химоя қопламга руҳсатсиз тегишли натижасизда, ичимлик суви соф сарфини аниқлаш имконияти чегараланганда;

6.4. Ичимлик суви ва оқова сув коммунал тизимларида (жумладан ёнгиндан сакланиш гидрантлари ва хонадон қувурларида) ўзбошимчилик билан уланган ҳолатлар аниқланганда, "Таъминотчи" томонидан далолатнома тузилади ва шу тузилган далолатнома ўзбошимчилик билан уланган шахснинг жавобгарлиги даражасини аниқлаш ва "Таъминотчи"га етказилган зарарни ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бунда:

- Тўлов муддати, энг сўнгги тузилган назорат далолатнома санаидан ўзбошимчилик билан уланган олинган кун санастигача ёки янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, рўйхатдан ўтказилган кунгача, ёки ўзбошимчилик билан уланган сув ташланган кунга қадар ҳисобга олинади;

- ўзбошимчилик билан уланган санадан бу ҳақда маълум бўлган санагача, агар "Таъминотчи" балансидаги тармоқларга уланган содир этилган бўлса, бу муддат даъво аризаси ёзилган муддатдан ошмаслиги зарур. Агар ўзбошимчилик билан уланган санаги топилса, аниқлаш мумкин бўлмаса, бу муддат даъво муддатига тенг деб олинади;

6.5. Техник шартлар 2 йил муддатга берилди. Белгиланган муддат тугагач буюртмачи (объектни лойihalаштириш ва қуришни бошлаш учун) лойиха муддатини чўздирини ёки янги техник шартларни олиши зарур. Техник шартлари мавжуд бўлмаган ҳолда ёки муддати ўтган ҳолда, "Таъминотчи" томонидан сув узатиш хизматларини яқунлашга асос бўлади.

6.6. "Истеъмолчи" коммунал сув таъминоти ва оқова суви чиқариб юбориш тармоқларига уланган санаси ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этмаган ҳолатларда "Таъминотчи" томонидан, ҳоким қарори ва кадастр ҳужжатлари ва шу қабилар асосида, ҳужжат билан тасдиқланган уланган санаси бўйича ҳисоб-китоб қилишга ҳаққидир.

6.7. Ишлатилган ичимлик суви ва қабул қилинган оқова сув учун тўловлар, "Таъминотчи" томонидан тақдим этиладиган тўлов талабномалари асосида уларга хизмат килувчи банелар орқали амалга оширилади. Бу тўловлар "Истеъмолчи" томонидан 3 кунлик муддат ичида акцептсиз тартибда амалга оширилади. Тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда, "Таъминотчи"га кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун 0.4 фоиз пеня ёздаи ва унинг умумий қиймати асосий тўловнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 248-моддаси талабига асосан истеъмолчи томонидан амалга оширилган тўлов суммаси пул мажбуриятини батамом бажариш учун етарли бўлмаса, энг аввало кредитдорнинг ижрони олишга қаратилган чиқимларини, сўнгра фоизларини, унинг қолган қисми эса - қарзининг асосий суммасини узиш учун йўналтирилади.

6.8. Амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига жавоб берайдиган ичимлик сув етказиб берилганда ва шартнома шартларида кўзда тутилган шартлар бажарилмаганда бажарилмаган ҳар бир кун учун "Таъминотчи" "Истеъмолчи"га мажбурият бажарилмаган қисмининг 0.5 фоиз микдоридан пеня тулайди, бироқ бузда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган маҳсулотлар қийمатининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

6.9. "Истеъмолчи" ҳисоб рақами бўлмаган тақдирда, тўловлар банк бўлимларининг қирим кассаси орқали, ҳисобот давридан кейинги 10 кун муддат ичида туланади.

6.10. "Таъминотчи" тўловнинг ҳар бир даври учун аввалги ой тўловининг 100 фоиз микдоридан олдиндан тўловлар (предоплата)ни белгилайди ва бу тўлов кейинги ой ҳисобига қўшилади. Агар "Истеъмолчи" икки ҳафта муддат ичида тўловни амалга оширмаса, "Таъминотчи" ҳеч қандай оғохлангиринларсиз ичимлик сувини етказиб беришни ёки оқова сувларни чиқариб юборишни ундирмагунга қадар тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолатларда ёнгиндан сакланиш ва санитария ҳолатлари учун жавобгарлик тўлик "Истеъмолчи" зиммасига юклатилади. Сув таъминоти ва сув чиқариш тизимидан илгари узиб қўйилган ҳолатларда қайта улашда II гуруҳ истеъмолчиларидан базавий ҳисоблаш микдорининг 10 (ўн) баробари микдоридан тўлов қайта улашни амалга оширган ташкилот ҳисобига маблағларни ўтказиш орқали ундирилади;

Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларидаги коммунал канализация тизимига жала, ёмғир ва қор сувлари руҳсат этилмаган ҳолда оқизилган тақдирда истеъмолчига нисбатан ишлаб чиқариш оқова сувларини оқизганлиги учун амалдаги тарифларга нисбатан қўшимча уч баробарлик коэффициентига таъбиб этилади. Ҳисоб-китоб ташкилотнинг майдони бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февралдаги 11-сон қарори билан тасдиқланган "Ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул қилиш қондалари ҳамда ифлослангиринларчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг коммунал канализация тармоқларига нормативдан ортиқча оқизилганлиги учун компенсация тўловларини ҳисоблаш Тартиби"га мувофиқ кадастр ва метеорологик маълумотларга биноан амалга оширилади.

г) "Таъминотчи"ни шартномани бекор қилиш тўғрисида, унинг бекор қилинишидан қамда 15 кун олдин оғохлангирин ҳолда ва ушбу муддатда сув таъминоти ёки оқова сувини чиқариш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни тўлиқ амалга оширган ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилиш;

д) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани (шахсан ёки ўз вақили орқали) бепул олиш;

е) "Таъминотчи"дан ичимлик сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш хизматлари ҳажми ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тўловлар тарифи ва тартибларининг ўзгариши ҳақидаги маълумотларни бепул олиш;

ё) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш бўйича хизматлар кўрсатилаётганлиги ёки уларнинг паст сифатда эканлиги тўғрисидаги далолатнома тақдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида таъминотчидан носозлик ва қамчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги маълумотларни олиш;

ж) Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги органлари томонидан тасдиқланган амалдаги стандартларга жавоб берадиган сифатли ичимлик суви билан таъминланмаганлик (сифатсиз ичимлик сув мавжудлиги аниқланган даврдан у тегишли даражага олиб келинган вақт) учун қайта ҳисоб-китоб амалга оширилишини талаб қилиш.

3.2. Истеъмолчининг мажбуриятлари:

а) шартнома шартларини бажариш;

б) ўзининг ҳудудда жойлашган ва уларга тегишли бўлган коммунал сув ва оқова тармоқлари ва қурилмаларининг мувофиқ равишда қўриқилишини, уларга сув топиши ёки шикастланишига, музлаб қолишига йўл қўймаслик, қудук қопқоқларини қор ва муздан тозалаш, "Таъминотчи" томонидан ўрнатилган тамгаларнинг бутлигини назорат қилиш, қудуқлардан юза оқоваси мавжудлигини таъминлаш, ёнгинга қарши гидрантларга ўтиш йўлларини беркитмаслик, кўрсатилган ёнгинга қарши гидрантларнинг кўрсаткичлари яхши ишлашини назорат қилиш;

в) "Истеъмолчи" ҳудудда ёки унинг тасарруфидидаги сув қувури, оқова тармоқлари ва қурилмаларининг устига турли буюм ва материалларнинг йиғилишига ҳамда сув қувури, оқова тармоқлари ва қурилмаларининг устидан иншоотлар қурилмаслигини, шу жумладан, ташки (қўча ва квартал ичидаги) сув қувури, оқова тармоқлари ва қурилмаларининг устидан иншоотлар қурилишига йўл қўймаслик;

г) коммунал сув қувури, оқова тармоқлари ва қурилмаларининг транзит нукталарида ҳар қандай шикастланиш, бузилишлар ҳақида зудлик билан "Таъминотчи"ни хабардор қилиш;

д) сувини ҳисобга олиш приборларида яққол кўришиб турган носозликлар, шунингдек тамгани бутлигига шикаст етган ёки узиб ташланганлиги тўғрисидаги ҳолат аниқланганда ҳамда ҳисобга олинмаган ёнгинга қарши гидрантлар мавжудлиги ҳақида дарҳол ёзма равишда ёки алоқа тармоқлари (факс, электрон почта) орқали "Таъминотчи"га хабар бериш;

е) "Таъминотчи" билан тузилган шартномага мувофиқ мажбуриятларига риоя қилиш, ҳар ойнинг 23 дан 25 гача санасида кўрсаткичларни ўз вақтида ва аниқ ечиб олиш ва ушбу кўрсаткичларни "Таъминотчи" жорий ойнинг охиригача кундан кечикмаган ҳолда маълумотларни тақдим қилиш ва тўловни амалга ошириш;

ё) шартномада белгиланган микдордан ортиқ ҳажмда сувининг ортиқ сарф қилинишига ва оқова сувларининг меъёрдан ортиқ чиқарилишига йўл қўймаслик;

ж) "Таъминотчи"ни ўз вақтида сув ўтказиш-оқова ҳўжалигидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилидаги ўзгаришлар ҳақида хабардор қилиш;

и) "Таъминотчи"га тегишли бўлган ёки унинг ҳудудда жойлашган сув ва оқова тармоқлари, қуриша ва мосламаларнинг мувофиқ техник эксплуатациясини таъминлаш;

й) ишлаб чиқариш оқова сувларининг олдиндан тозалаш ишларини олиб бориш ва уларнинг ифлосланиш концентрациясини меъёрдан кўрсаткичларга ўтиб кетмаслигини таъминлаш;

к) оқова тармоғига туширилувчи сувларнинг сифатининг мониторингини таъминлаш;

л) "Истеъмолчи" ҳудудда жойлашган сув ўлчаш тармоғи, коммунал сув ўтказиш ва оқова тизимларида ҳар қандай ишларнинг бажарилишига бегона шахсларни қўймаслик;

м) жамоат сув ва канализация тизимларини объектларига шикаст зарар етказган "Истеъмолчи" дарҳол "Таъминотчи"га хабар бериши ва етказилган зарарни қоплаш учун "Таъминотчи" техник назорати остида ўзи етказилган шикастланишни бартараф этиш ва беҳуда сарф қилинган сув нархини тўлаши шарт.

3.3. Таъминотчининг ҳуқуқлари:

а) "Таъминотчи" қуйидаги ҳолатларда, истеъмолчини 5 кун аввал хабардор қилган ҳолда, сув узатишни ва сув чиқаришни тўлиқ ёки қисман тўхтатиш ҳуқуқига эга:

б) "Истеъмолчи" ҳудудда жойлашган ва унинг тасарруфидидаги сув узатиш ва оқова тармоқлари, мослама ва қурилмаларининг техник ҳолати қониқарсиз ҳолатда бўлса ва "Истеъмолчи" техник фойдаланиш қондаларини бузиш натижаларини "Таъминотчи" вақиллари талабига қўра бартараф этмасан;

в) "Таъминотчи"нинг вакили истеъмолчи ҳудудда жойлашган ва унинг тасарруфидаги бўлган сув узатиш ва оқова тармоқлари, мослама ва қурилмаларида ишлар олиб бориш, тамга ўрнатилган ва бошқа ишларда "Истеъмолчи" томонидан асосиз халат берилган тақдирда;

г) "Таъминотчи" томонидан режали олдини олиш таъмирлаш ишларини, сув ўтказиш ва оқова тармоқларида ишлар бажарилишида, "Истеъмолчи" уларга уланган бўлса, ва янги "Истеъмолчи" ларни улаш учун ишларни ўтказишда;

д) "Истеъмолчи"нинг хизмат кўрсатишида ва унинг тасарруфидаги коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларида ўзбошимча суб-истеъмолчиларнинг улашиб олганлиги аниқланганда;

е) "Истеъмолчи" ўрнатилган мудатларда тўлов ҳужжатларига мувофиқ тўловни амалга оширмаганда;

ё) "Таъминотчи"нинг розилигини олган суб-таъминотчиларнинг "Истеъмолчи" тасарруфида бўлган коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларида улашини рад жавобини берганда;

ж) "Истеъмолчи" лар томонидан коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларини кўрсатиш шартларига риоя қилинмаганда;

з) энергия таъминоти тўхтатишганда;

и) табиий офатларда;

й) аварияларда;

к) ёнгин чиққан ерларга сув откаши хажмини ошириш зарурияти туғилганда.

3.4. "Таъминотчи"нинг мажбуриятлари:

а) сув таъминоти ва сув чиқариш бўйича шартнома шартларини бажариш;

б) сув етказилишини (ҳудудларда ҳоким томонидан тасдиқланган сув бериш қадвалига асосан) таъминлаш;

в) тизимли равишда давлат сув таъминоти ва канализация тармоқлари, истеъмол объектилари ва қурилмаларига уланган сув таъминоти ва канализация тармоқларининг ҳолатини ва ишини тизимли назорат қилишни амалга ошириш ва уларни тўғри ишлашни ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатиш; бюджет билан биргаликда "Истеъмолчи" лар сувида оқилонга фойдаланиш ва сувдан оқилонга фойдаланишни аниқлаш, сувни откаши бериш ва истеъмол қилишни катъий назорат қилиш ва ҳисобга олиш, сановатта мувофиқлигини мунтазам равишда назорат қилиш ва уларга тенглаштирилган сув истеъмол қилиш чекловларига риоя қилишни назорат қилиш;

г) "Истеъмолчи" ларга индивидуал ҳисоблаш қурилмаларини ўз ҳисобидан ўрнатилгандан сўнг, ўрнатилган тартиб ва мудатларда уларнинг ишини текшириш;

д) "Истеъмолчи" лар сув қувур хўжалигининг текшириши (индивидуал ҳисоблаш қурилмасининг яхши ишлаётганлигини текширган, улардаги назорат кўрсаткичларини олган ва тамгаларнинг мавжудлиги ва бутлигини аниқлаган ҳолда) бир ойда кўпи билан бир марта ўтказиш ва мувофиқ далолатномаларни тузиш;

е) "Истеъмолчи" га, ушбу шартноманинг шартларини бажармаган ҳолларида, жарима яъни пеня тўловларини амалга ошириш;

ё) сув таъминоти ва истеъмолга оид меъёрий-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги ҳақида "Истеъмолчи" ларни хабардор қилиш;

ж) сув откаши ва сув чиқариш учун хизмат ҳақи тўловларининг тарифлари ошганда, улар кучга кирган кундан 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари орқали маълумот бериш;

з) ичимлик сув таъминоти ва оқова суви чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотнома "Истеъмолчи" га бепул бериш.

VI. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. "Таъминотчи" ушбу шартномага мувофиқ мажбуриятларни бажармасликда ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда келиб чиққан зарарини, "Истеъмолчи" эса етказилган ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплаши шарт.

4.2. "Истеъмолчи" қуйидагилар учун жавобгардир:

а) сув ҳисоблаш қурилмасидаги тамгалар, айланаш чизиги жўмраги, гидрантлар ва бошқа сув узатиш мосламаларидаги қисмларнинг унинг ҳудудда ва тасарруфида бўлган тамгаланган ҳисоблаш қурилмаларининг бутунлиги ва сақланиши учун;

б) сув тармоқларига ўз бошимча улашиб олиш, совуқ суви ҳисобга олиш қурилмаларининг касалдан бузилишига йўл қўйиш ҳамда сув ҳисоблаш қурилмаларидаги кўрсаткичларни ташқаридан аралашган ҳолда ўзгартириш ҳолатлари учун;

в) қонунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда;

г) ўзбошимчалик билан қурилган иншоотлар сабабидан, тармоқлардаги авариялар бўлган ҳолатларда;

д) коммунал дренаж тизими мавжуд бўлса "Истеъмолчи" ҳудудида жойлашган оқова тармоғига ёмғир ва эриган қор сувларнинг тушишига йўл қўймаслик. Ушбу қондабузарлик аниқланганда "Таъминотчи" ходими ўрнатилган тартибда далолатнома тузади ва ушбу далолатнома "Истеъмолчи"нинг масъулият ва жавобгарлик қорасини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

6.11. Ҳисоб-китобнинг нотўғри қилинганлиги (тарифларнинг нотўғри ҳисобига олинганлиги ва шу каби ҳолатлар) тўғрисида "Истеъмолчи" га ёзилган эътирознома тўлов ҳужжати олингандан кейин 5 кун мудатда "Таъминотчи" га тақдим этилиши керак. Эътирознома "Истеъмолчи" ни тўлов ҳужжатига кўрсатилган суммани тўлиқ ва белгиланган мудатда тўлашдан озод қилмайди.

6.12. Юридик шахслардан лимитдан ортиқча сув истеъмол қилинган ҳолатларда, "Таъминотчи" ташкилоти томонидан белгиланган тарифларга нисбатан 10,0 ортиқлиқ коэффициентини қўллаш йўли билан ҳақ учдирилади.

6.13. "Таъминотчи" билан "Истеъмолчи" ни, шу жумладан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўртасидаги, коммунал сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариш элементлари (ичимлик сув ва канализация тармоқлари, иншоотлари, қурилмалари)га хизмат кўрсатиш, уларнинг техник ҳолатини сақлаш ва фойдаланиш юзасидан жавобгарлик чегаралари ҳисобланади:

а) сув истеъмолчи учун — коммунал тармоққа улашини узиб қўювчи қириш қулифи. Қириш қулифи билан ичимлик сувга улашини, истеъмолчининг ички ичимлик суви тизимининг бир қисми ҳисобланади;

б) канализация учун — истеъмолчи канализация тизимининг ички қисми ҳисобланувчи, магистрал канализация тармоғига улашни нуқтасидаги чиқарув қудуги. Агар чиқарувчи канализация қудуги (камераси) магистрал канализация тармоғида жойлашган бўлса, ушбу қудук ИСКХ ташкилоти коммунал канализация тармоғининг бир қисми ҳисобланганиб, унга туташтирувчи фойдаланиш чизиги эса истеъмолчининг маблағи ва воситалари ҳисобидан амалга оширилади.

VII. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиққан низолар, келишув йўли билан ҳал қилинади.

Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ тегишли туманлараро иқтисодий судда кўриб чиқилади.

7.2. Ушбу шартномада белгиланган ҳолатлар юзасидан низо келиб чиққан тақдирда, Қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

VIII. Форс – мажор

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч (форс мажор) ҳолатлари (зиلزла, сув тошқини, ёнгин, ел, дўла, жала ва бошқа табиий офатлар) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар музқур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзасига келтирилган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 3 кун ичида бошқа томонни форс-мажор ҳолати бошланган мудатларни кўрсатган ҳолда ёзма равишда огоҳлантириши лозим.

8.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўп мудат тўсқинлик қилса, томонлардан бири шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

IX. Шартноманинг амал қилиш мудатли

9.1 Ушбу шартнома икки нусxada тузилган бўлиб, икки тарафда бир нусхадан сақланади.

9.2 Шартнома гажачилик бўлиналарида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга кирди ва 2022 йилнинг 31 декабригача амал қилади. Агарда томонлар ўз хоҳиши иштиёрлари билан шартномани янгиланган бўлса ёки тўхтатилмаган ҳолларда ушбу шартнома кейинги даврлар учун ҳам ҳақиқий ҳисобланади.

X. Тарафларнинг юридик манзилли:

"ТАЪМИНОТЧИ"

«Наманган сув таъминоти» МЧЖ
Янги Наманган тумани бўлими

Манзил: И. Каримов кўчаси, 4-б-уй.

Тел: 55-251-70-32

ИСТЕЪМОЛЧИ

Янги Наманган тумани Ободонлаштириш
бошқармаси

Манзил: Янги Наманган тумани, Оромтох
кўчаси, 3-уй. Тел: 69-221-70-69

Ға/Ҳ-р: 234020003000100001010

Банк: МАРКАЗИЙ БАНК ТОШКЕНТ ХККМ

Ға/Ҳ-р: 00044 СТИР; 308650680

Шаҳит: 4000286014401765300110005

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

Янги Наманган тумани

Н. Закиров



2022 йил 19 январь № 9900027497 шартнома
(хизмат тури)

Ойлар	Микдори	Суммаси	Ойлар	Микдори	Суммаси
Январь	157	606 373,25	Июль		
Февраль	157	606 373,25	Август		
Март	157	606 373,25	Сентябрь		
1-Чорак			3-Чорак		
Апрель			Октябрь		
Май			Ноябрь		
Июнь			Декабрь		
2-Чорак			4-Чорак		
Йиллик				471	1 819 119,75



Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, хизмат коди: 10007010070

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

№ OG13401510

1. Loyihaning turi:

Ichimlik va oqava suvi xizmatlarini ko'rsatish shartnomasi.

2. Loyihaning nomi:

Yangi Namangan tumani Obodonlashtirish boshqarmasi bilan "Namangan suv ta'minoti" MChJning Yangi Namangan tuman bo'limi o'rtasida tuzilgan 1 819 119,75 so'mlik Ichimlik va oqava suvi xizmatlarini ko'rsatish shartnomasi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Yangi Namangan tumani Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan 2022-yil 19-yanvar kuni ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

Huquqiy xulosa:

Shartnoma loyihasi amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

Markaz boshlig'i



E.M.Tadjibaev